МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

ШАНБА

2014 йил 29 ноябрь, №100 (1067)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

## ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ ЖАМОАСИГА

Азиз дўстлар!

Ҳурматли санъат аҳли!

Авваламбор, Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллик қутлуғ тўйи муносабати билан сиз, муҳтарам театр жамоаси ва мухлисларини, сизларнинг тимсолингизда бутун маданий жамоатчилигимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Маълумки, дунёдаги ҳар қайси халқ, ҳар қайси давлатнинг маънавий тараққиёт даражаси аввало унинг маданияти, санъат ва адабиётида, жумладан, театр санъатида яққол намоён бўлади.

Бугун биз мамлакатимиз тарихидаги унутилмас сана — нафақат юртимиз, балки Туркистон заминидаги биринчи профессионал театрга асос солган Ўзбек Миллий академик драма театрининг юз йиллигини нишонлар эканмиз, унинг шу даврда босиб ўтган мураккаб ривожланиш йўли, эришган ютуқ ва марралари кўз ўнгимиздан ўтиши табиийдир.

Эл-юртимиз бу даврда қандай қийинчилик ва машаққатларни, қувончли ва ташвишли кунларни бошидан кечирган бўлса, уларнинг барчаси ўзбек маданиятининг кўзгуси бўлмиш ушбу театр фаолиятида, унинг саҳнасида намойиш қилинган асарларда ўз аксини топган, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугун биз Миллий театримизнинг тамал тошини қўйган, бу йўлда қандай оғир синов ва тўсиқларга дуч келмасин, ўзлигидан, ўз маслагидан қайтмаган, «Театр — бу ибратхонадир» деган ҳикматга амал қилиб, маънавий жасорат намунасини кўрсатиб яшаган Беҳбудий, Мунавварқори, Авлоний, Чўлпон сингари маърифатпарвар боболаримиз, саҳна санъати фидойиларининг сўнмас хотираси олдида бош эгиб таъзим қиламиз.

Мустабид тузум мафкурасининг тазйиқларига қарамасдан, гуманистик ғоялар, юксак ижодий принципларга содиқ қолган Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Олим Хўжаев, Аброр Ҳидоятов, Наби Раҳимов, Шукур Бурҳонов, Обид Жалилов, Сора Эшонтўраева, Зайнаб Садриева, Тошхўжа Хўжаев, Александр Гинзбург, Ғани Аъзамов каби ўнлаб атоқли ижодкорларнинг номларини минатдорлик билан эслаймиз.

Бу мўътабар саҳнада яратилган Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби буюк аждодларимизнинг барҳаёт сиймолари минг-минглаб томошабинларга инсонийлик, адолат ва эзгулик, меҳр-оқибат, олижанобликдан сабоқ бергани, уларни гўзаллик ва нафосат оламига ошно этиб келаётгани таҳсинга лойиқдир.

Бугунги кунда биз маънавий ҳаётимизни юксалтириш йўлида бошқалар ҳавас қиладиган қандай катта натижаларга эришган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, бу борада театр санъати, хусусан, Ўзбек Миллий академик драма театрининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини халқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Айни шу боис бундан ўн уч йил муқаддам ушбу ижод даргоҳига Ўзбек Миллий академик драма театри деган юксак мақом берилгани унинг тарихида янги саҳифани бошлаб берди, десам, ўйлайманки, барчангизнинг фикрингизни ифода этган бўламан.

Юбилей муносабати билан академик театр биноси тубдан капитал таъмирлангани, энг замонавий техник воситалар билан жиҳозлангани, Миллий театримиз бутунлай янгича қиёфа касб этиб, дунёдаги ривожланган давлатларнинг санъат масканлари билан беллаша оладиган даражага етгани барчамизга мамнуният бағишлайди.

Азиз санъаткорлар!

Бугун биз бунёд этаётган янги ҳаёт, янги жамиятнинг маънавий асосларини янада мустаҳкамлашда сизлар яратган ва келгусида яратадиган ранг-баранг асарларни миллионлаб санъат ихлосмандлари ҳайрат ва ҳаяжон билан томоша қилишини, умр йўлларида барчамиз дуч келадиган, ҳар бир инсонни ўйлантирадиган мураккаб саволларга театр ибрати орқали жавоб топишни истаймиз.

Бу ҳақда гапирганда, халқимиз театр саҳнасида бугунги ҳаётимизни теран акс эттирадиган, турли синовларда тобланган, ўз келажагини ўз қўли, ўз меҳнати билан яратаётган, Ватан тақдирини ўз тақдири деб биладиган фидойи инсонлар — замонамиз қаҳрамонлари қиёфасини ёрқин ифода этадиган янги асарларни орзиқиб кутаётганини яна бир бор таъкидлаш ўринлидир.

Сиз, азизлар мамлакатимиз театр санъатининг энг яхши анъаналарини бойитиб, янги авлодларга безавол етказасиз, юксак бадиият ва ҳаққонийлик, эзгу мақсадларга хизмат қилиш руҳи билан суғорилган етук асарларингиз билан халқимиз, аввало, ёшларимизнинг маънавий оламини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшасиз, деб ишонаман.

Қадрли дўстлар!

Барчангизни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор табриклар эканман, сизларга янги-янги ижодий ютуқлар, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга бахту саодат тилайман.

Мухлисларингиз, санъатсевар халқимизнинг меҳри ва эътибори сизларни ҳеч қачон тарк этмасин.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕРМИЗ ШАҲРИГА АМИР ТЕМУР ОРДЕНИНИ ТОПШИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар!

Аввало, бугун сиз, азиз Сурхон воҳаси вакиллари билан дийдор кўришиб, барчангизни соғ-саломат, бардам-бақувват кўриб турганимдан хурсанд бўлганимни билдириб, сизларга, сизлар орқали бутун вилоят аҳлига ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромим, эзгу тилакларимни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Сизлар билан қачон учрашмайлик, Сурхондарёнинг бугунги ҳаёти, аҳолининг ҳол-аҳволи, кайфияти, эришилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш, вилоятнинг келажаги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар учрашувларнинг асосий мавзусини ташкил этиши ҳаммамизга маълум.

Бундай мулоқотларнинг мазмуни, авваламбор, вилоятни янада ривожлантириш, унинг ноёб ер ости ва ер усти бойликларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, шу юртда яшаётган 3 миллионга яқин аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш билан узвий боғлиқ эканини ҳам барчамиз яхши англаймиз.

Сурхондарё деганда, инсоният цивилизациясининг бешикларидан бири, буюк тарих ва бой меросга эга бўлган қадимий ва бетакрор ўлка кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Афсуски, дунёга қандай тенгсиз маданият дурдоналарини, не-не мумтоз зотларни берган бу замин мустабид тузум даврида собиқ Марказнинг беписанд сиёсати, «Сизларга бўлаверади» деган қараши туфайли узоқ йиллар давомида ривожланишдан ортда қолиб келгани ҳеч кимга сир эмас.

Фақатгина мустақилликка эришганимиздан кейин мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори Сурхондарё ҳам ўтган қисқа даврда жуда катта, айтиш мумкинки, илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Бу ҳақда гапирганда, сўнгги йилларда бу ерда ўнлаб замонавий корхоналар, магистрал йўл ва кўприклар, савдо ва маиший хизмат объектлари, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари, янги турар-жойлар, майдон ва хиёбонлар барпо этилганини таъкидлаш ўринлидир.

Бугунги кунда нафақат вилоят маркази Термиз шаҳри, балки Денов бўладими, Шеробод, Музработ бўладими, бошқа туман марказлари ва қишлоқлар бўладими, барчасининг қиёфаси тубдан ўзгариб, ҳар томонлама обод бўлиб бораётгани ҳаммамизга, аввало, шу заминда яшаётган одамларга, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга катта ғурур ва ишонч бағишламоқда.

Асрий тоғу тошлар, дашту биёбонлар бағрида 223 километрлик Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўлининг барпо этилгани фақат Сурхон воҳаси эмас, бутун мамлакатимиз ҳаётида, ҳеч шубҳасиз, улкан, тарихий бир воқеа бўлди, десак, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлган қурувчиларимиз, жумладан, сурхондарёлик бунёдкорларнинг маҳорати билан денгиз сатҳидан 1500 метр баландликда ўнлаб кўприклар, йўл ўтказгичлар каби ўта мураккаб инженерлик иншоотларини барпо этишга, катта маблағ, куч ва имкониятни, юксак билим ва тажрибани талаб қиладиган шундай йирик ва ноёб лойиҳани амалга оширишга эришганимиз ҳар қандай одамни ҳам қойил қолдириши муқаррар.

Оғир иқлим шароитига қарамасдан, Сурхон воҳаси деҳқон ва фермерларининг кейинги йилларда қўлга киритаётган ютуқлари барчамизни қувонтиради.

Бу ҳақда гапирганда, бугунги кунда юртимизда етиштирилаётган пахта хомашёсининг 10 фоизи, ғалланинг қарийб 8 фоизи мана шу саховатли замин ҳиссасига тўғри келишини алоҳида таъкидлаш лозим. Вилоятда жорий йилда 335 минг тоннадан зиёд пахта, 477 минг тонна ғалла етиштирилгани, сўзсиз, машаққатли ва мардона меҳнат натижасидир.

Фурсатдан фойдаланиб, вилоятнинг миришкор деҳқон ва фермерларига, барча қишлоқ хўжалиги ходимларига фидокорона меҳнатлари учун ўз номимдан, халқимиз номидан самимий минатдорлик билдиришга рухсат бергайсиз.

Биз учун энг муҳим, энг устувор вазифа бўлмиш соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш йўлида Сурхондарёда ҳам ўнлаб янги-янги мактаблар, лицей ва коллежлар, санъат ва спорт масканларини, айниқса, Термиз давлат университетининг замонавий, муҳташам биноси каби улкан иншоотларни бунёд этганимиз нафақат вилоят қиёфасини, айни вақтда, одамларимиз, фарзандларимизнинг онгу тафаккурини, бутун ҳаётимизни тубдан ўзгартиришга хизмат қилаётгани ҳақида ҳар қанча тўлқинланиб гапирсак, арзийди, албатта.

Шулар қаторида Сурхон воҳасининг қадимий ва бетакрор маданияти, урф-одат ва анъаналарини, нуфузли ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан юксак эътироф этилган **номоддий мероснинг** ноёб намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш бўйича қилган ишларимиз ҳақида ҳам кўп гапириш мумкин.

Бу борада Ўрта Осиё минтақасида ягона бўлган Термиз давлат археология музейини бунёд этганимиз, «Алпомиш» достонининг 1000 йиллик тўйини, Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейини қандай баланд руҳ ва кўтаринки кайфиятда ўтказганимиз барчамизга мамнуният етказади.

Термиз шаҳрида 2011 йили энг замонавий архитектура талабларига жавоб берадиган муҳташам «Сурхон» спорт мажмуасини воҳанинг ўзига хос табиий ва иқлим шароитини ҳисобга олиб барпо этганимиз шу юртда улғайиб, уни жонидан азиз кўрадиган, жисмоний ва маънавий камолотга интилиб яшаётган минг-минглаб ёшларимиз учун аҳамияти ва моҳиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган катта воқеа бўлганини ҳеч ким инкор этолмайди.

Бугунги кунда бу ерда «Баркамол авлод» спорт ўйинлари, кураш бўйича жаҳон чемпионати каби йирик ва нуфузли беллашувлар мунтазам ўтказилмоқда, бу ноёб мажмуа қанчадан-қанча ёш спортчиларимиз учун парвоз майдони бўлиб хизмат қилмоқда.

Мен илгари ҳам айтган бир фикрни яна такрорлашни жоиз деб биламан: нафақат юртимизда, балки бутун минтақамизда маълуму машҳур бўлган «Алпомиш»дек қаҳрамонлик достонининг айнан Сурхон заминида яратилгани асло тасодиф эмас.

Агар мендан, энг кучли, энг бақувват полвонлар қаерда яшайди, деб сўраса, ҳеч иккиланмасдан, аввало Сурхондарёда, деб айтган бўлардим.

Ўзбек курашининг ватани, макони ҳам аслида Сурхон воҳасидир. Ҳаммамиз яхши биламизки, мана шу кураш беллашувларида «ҳалол» деган сўз энг олий баҳо сифатида янграйди. Шахсан менга бу ибора бамисоли бутун халқимизга, жумладан, Сурхон элига мансуб энг улуғ фазилатни ифода этаётгандек бўлиб туюлади.

Азиз дўстлар, чиндан ҳам Сурхон элининг лафзи ҳалол, меҳнати ҳалол эканини тарихда ҳам, бугунги кунда ҳам кўп-кўп мисоллар яққол тасдиқлайди. Бундай мард инсонларнинг табиатида сира ғирромлик бўлмаган, чала иш бўлмаган.

Умуман айтганда, Сурхон заминида вояга етган, унинг ғурур ва ифтихорини улуғлаб, бу юртни бутун дунёга танитиб келаётган, Яратганимиз ато этган куч-қуввати, истеъдоди ва маҳорати билан узоқ ва яқин мамлакатларда шуҳрат қозонган спортчи ўғил-қизларимиз халқимизнинг ҳурматига сазовор бўлиб келмоқда.

Шулар қаторида Абдулла Тангриев, Давлат Чориев, Санжар Тўхташев, Гўзал Эгамова, Суҳроб Турсунов, Барно Мирзаева, Яҳё Имомов, Раъно Абдуҳалимова, Шоҳиста Сафарова каби ўнлаб азму шижоатли ёшларимиз бугунги кунда ўзбек спортининг, ўзбек халқининг довруғини бутун дунёга таратаётгани барчамизни хурсанд қилади.

**(Давоми 2-бетда).**

## Термиз шаҳрига ватанимизнинг юксак мукофоти топширилди



**Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 22 августдаги фармонига мувофиқ Термиз шаҳри Амир Темур ордени билан мукофотланган эди. 28 ноябрь куни Термиз шаҳрида ушбу юксак мукофотни топширишга бағишланган тантанали маросим бўлди.**

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Термиз шаҳрининг шонли тарихи, истиқлол йилларидаги тараққиёти, мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида тутган ўрни, Сурхондарё вилояти меҳнаткашлари қўлга киритаётган улкан ютуқлар ҳақида тўхталди.

Бу замин халқининг юксак маданияти, ҳунармандлик ривожи ва савдо алоқалари Жайхун бўйида қадим Термиз шаҳрини вужудга келтирган. Буюк ипак йўли марказида жойлашган шаҳар турли маданият ва халқларни ўзаро боғловчи муҳим қўрғон бўлган.

Истиқлол туфайли Термиз шаҳрининг шону шавкати тикланди, улкан маънавий ва иқтисодий салоҳияти юзага чиқди.

Юртбошимиз раҳнамолигида маънавиятимизни юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасида миллий қадрият ва анъаналаримиз, буюк аждодларимизнинг номи қайта тикланди, улар мангу қўним топган муқаддас қадамжолар ободонлаштирилди. Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Султон Саодат, Кокилдор ота ёдгорлик мажмуалари таъмирланди.

> [2]

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ

## Маънавият масканининг қутлуғ тўйи



**Пойтахтимизда 28 ноябрь куни Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.**

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 22 январдаги «Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори мамлакатимиз маданий ҳаётида унутилмас воқеалардан бўлди. Ушбу ҳужжат театр жамоасининг нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё минтақасида профессионал театр санъатига асос солиш ва уни ривожлантириш, халқимизнинг бой маданий мероси ва анъаналарини асраб-авайлаш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлодни эзгу қадриятлар, ватанпарварлик, фидойилик руҳида камол топтириш, ёш истеъдодларни тарбиялаш борасидаги улкан хизматларининг ёрқин эътирофидир.

Шу қутлуғ санага бағишланган тадбирга вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олий таълим даргоҳлари профессор-ўқитувчилари, санъат ва маданият намояндалари, ижодкор зиёлилар, талаба-ёшлар, мухлислар таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбек Миллий академик драма театри жамоасига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Мамлакатимизда театрлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси юксак инсоний ғояларни тарғиб этувчи, замонамиз қаҳрамонлари образи яратилган мукаммал саҳна асарларини яратишдек долзарб вазифани ижодкорлар зиммасига юкламоқда.

> [2]

МАҲАЛЛАМ ТАРИХИНИ ЎРГАНАМАН

## Ватан туйғуси улуғ мақсадларга чорлайди

**Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида қуйидаги фикрлар баён этилган: «Тарих ҳақиқати шуни кўрсатадики, томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Биз шундай маънавий муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшнатиб турсин».**

**Юлдуз ҲОЖИЕВА**
**«Mahalla»**

Дарҳақиқат, инсон ўзлигини теран англаса, улуғ аждодларнинг авлоди эканини идрок этса юрагида Ватан туйғуси чуқур илдиз отади, туғилиб ўсган масканига муҳаббати кучаяди. Шу боис Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон



Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Республика маънавият тарғибот маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгаши қўшма қарорига биноан ўтказиб келинаётган «Маҳаллам тарихини ўрганаман» кўрик-танловининг ёш авлод тарбиясидаги аҳамияти беқиёс.

> [4]

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕРМИЗ ШАҲРИГА АМИР ТЕМУР ОРДЕНИНИ ТОПШИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

«Алпомиш» достонининг қутлуғ тўйида мен Сурхон воҳасининг кураги ерга тегмаган паҳлавонларига чин қалбдан ҳурматимни билдириб, машҳур Тоштемир полвонни бағримга босиб, даст кўтарганимни ҳозир ҳам катта завқ билан эслаб юраман.

Буларни барчасининг замирида фақат битта нарса, яъни самимийлик, бир-биримизни яқин кўриш, бир-биримизга ҳурмат ва эҳтиром мужассам, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Кейинги йилларда Сурхондарёда, унинг маркази Термиз шаҳрида катта ҳажмдаги бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилаётгани, аввало, заҳматкаш Сурхон аҳлининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида янги-янги уй-жойлар, инфратузилма объектлари барпо этилаётгани натижасида шаҳарнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб бораётганини барчамиз мамнуният билан эътироф этамиз.

Буни сўнгги пайтда вилоятда намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларда 3 минг 772 та шинам уй-жойлар қурилгани, биргина Термиз шаҳрида маҳаллий шароитга ҳар томонлама мос бўлган, 1 минг 41 та квартирадан иборат 36 та замонавий кўпқаватли уйлар бунёд этилгани ҳам тасдиқлайди.

Айни вақтда шаҳарни кўкаламзорлаштириш, ноёб манзарали дарахтларни танлаб экиш ва парвариш қилиш, яшил ҳудудларни кўпайтириш ҳисобидан бутун шаҳар яшил либосга бурканиб, барчанинг кўзини қувонтирадиган, ҳавасини тортадиган бетакрор қиёфа касб этгани жанубнинг жазирама қуёши остида яшайдиган одамларга қандай қулайлик туғдирганини тасаввур қилиш қийин эмас, деб ўйлайман.

Азиз дўстлар!

Сурхон воҳасининг кўҳна тарихи, минг йиллар давомида шу заминда ётган ва бугун ўзбек олимлари билан бирга турли мамлакатлардан келган олимларнинг археологик қазишмалари, илмий изланишлари натижасида очилаётган ва илму фан оламини ҳайратда қолдираётган ноёб ашёлар, қадимий маданият ёдгорликлари бу тупроқ ўз бағрида ҳали қанча-қанча сирларни сақлаб келаётганидан далолат беради, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мисол учун, эрамиздан аввалги I минг йиллик ўрталарида Бақтриянинг биринчи подшоси Зороастр Термиз шаҳрига асос солган. Термиз дастлаб Тарамата деб аталган.

Шаҳарнинг ғоят қулай географик шароити, Шарқни Ғарб билан боғлайдиган савдо чорраҳасида жойлашгани унинг тез суръатлар билан ривожланишига замин яратди. Шу боис турли-турли босқинчилар Термизни қўлга олиш, унга эгалик қилишга доимо интилиб келган.

Эрамиздан аввалги 327 йилда Александр Македонский, яъни бизнинг тилимизда Искандар Зулқарнай шаҳарни босиб олиб, унга Александрия номини берган. Термиз қалъаси милоддан аввалги даврларда Юнон-Бақтрия давлати, Кушонлар империяси, милоддан кейинги V-VI асрларда Эфталитлар, Сосонийлар ҳукмронлиги остида бўлган. VIII аср бошида эса бу ерни араблар забт этган.

Термиз тарихи ҳақида сўз юритар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, бу шаҳар унинг тарихига ёрқин саҳифалар битган Амир Темур бобомизнинг муборак номи билан чамбарчас боғланиб кетганини эсга олишимиз табиийдир.

Термиз шаҳри Соҳибқирон бобомиз Турон заминида барпо этган буюк ва қудратли давлатнинг мустаҳкам қўрғонига, салтанат таянчига айланган.

Бугунги кунда бу ерда яшаётган барча-барча инсонлар Сурхон тарихининг ана шундай шонли саҳифаларини ғурур ва ифтихор билан эслайди.

Барчамиз учун муқаддас бўлмиш Термиз тупроғида қандай улуғ аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлиёлар яшагани, улар Термизий деган ном билан ислом дунёсида қандай ёрқин из қолдирганлари ҳаммамизга яхши маълум.

Ҳақиқатан ҳам, бу табаррук диёрдан етишиб чиққан буюк аллома Ҳаким Термизий, дунёдаги энг ишончли олтита ҳадис тўпламларидан бирини яратган машҳур муҳаддис Абу Исо Термизий, теран мазмунли асарлари билан Шарқда ном қозонган Адиб Собир Термизий, ислом фалсафаси ривожига муносиб ҳисса қўшган Абу Бакр Варроқ Термизий каби мумтоз зотлар наинки халқимиз, балки бутун мусулмон оламининг фахру ифтихори ҳисобланади.

Бу заминнинг уруш ва босқинлар туфайли неча бор вайрон бўлиб, култепалар узра неча бор қайта тиклангани ҳақида ҳам албатта кўп гапириш мумкин. Лекин барчамизга чексиз ифтихор етказадиган ҳақиқат шуки, бу ерни ўзига муқаддас макон деб билган жасур аждодларимиз ёвларга ҳеч қачон бош эгмаган.

Буюк тарихчи аллома Шарафиддин Али Яздий машҳур «Зафарнома» китобида Термиз аҳлининг мўғул босқинчиларига матонат билан, қаҳрамонларча қаршилик кўрсатганини тасвирлар экан, бу шаҳарни «Мардлар шаҳри» деб атаганида чуқур ҳаётий ҳақиқат мужассамдир.

Мустақиллик йилларида Термиз ҳар томонлама обод бўлиб, Ўзбекистонимизнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига, юртимизнинг жанубий сарҳадларидаги бош истеҳкомига, мустаҳкам дарвозасига айланди.

Бугунги кунда Термиз шаҳри нафақат Сурхон воҳаси, нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё минтақасининг иқтисодий, маданий ва коммуникация марказларидан бири десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Муҳтарам юртдошлар!

Биз бугун қандай мураккаб ва таҳликали замонда яшаётганимизни, дунёда нотинчлик ва қарама-қаршиликлар тобора кучайиб бораётганини ҳаммангиз яхши биласиз. Айниқса, бизнинг ҳудудимизда, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар — бу Афғонистонда 35 йилдан буён давом этаётган уруш экани ҳеч кимга сир эмас.

Биз Афғонистон халқи билан неча-неча асрлардан буён ёнма-ён қўшни бўлиб, аҳил ва иноқ яшаганмиз. Қиз бериб, қиз олиб, қуда-андачилик қилиб келганмиз. Амударёнинг икки томонида туриб бир-биримизнинг ҳолимиздан доимо хабардор бўлиб турганмиз. Шунинг учун ҳам, афғон фожиасини бошқалардан ҳам кўра унга яқин бўлган бизнинг халқимиз хаёлидан, юрагидан мутлақо бошқача ўтказади. «Қўшнинг тинч — сен тинч» деган нақл албатта бежиз айтилмаган.

Мен ўзимнинг жуда кўп чиқишларимда, жумладан, нуфузли халқаро минбарлардан туриб, жаҳон ҳамжамияти вакилларига мурожаат қилиб, афғон можаросини ҳарбий йўл билан ҳал этишнинг имкони йўқ, деб очиқ айтганимни, ўйлайманки, сизлар яхши биласиз.

Агар афғон халқининг ўзига қўйиб берса, шак-шубҳасиз, бу уруш ҳеч қачон бунча узоқ давом этмасди. Афғон халқи — кўпни кўрган халқ. Бу халқ ҳам биз каби доимо тинчлик ва омонликни, оиласини тинч меҳнат билан боқишни, болаларининг бахтини кўришни хоҳлайди.

Шундай экан, нима учун шунча вақтдан буён бу ерда уруш бормоқда? Бунга сабаб албатта кўп, лекин энг асосий сабаб — бу Афғонистонда урушни давом эттириш кимгадир керак. Бу урушни давом эттиришга уринаётганлар, биринчи навбатда, афғон халқининг манфаатини эмас, балки ўз манфаатини кўзлайди. Минг афсуски, дунёда мана шундай сиёсий ўйинлар тўхтамаяпти.

Афғон заминида урушни давом эттириш тарафдори бўлган кучлар «Йиқилган курашга тўймас» деган мақолни ҳеч қачон эсидан чиқармаслигини истардим. Жафокаш афғон юртига турли кучлар келади-кетади, афғон халқи эса абадий қолади. **Бу халқни зўравонлик билан бўйсундириб бўлмаслигини XIX асрдан бошлаб бугунги кунгача баъзи йирик давлатларнинг бу ерга қурол билан келиб, охир-оқибатда енгилиб кетгани ҳам яққол кўрсатиб турибди.**

Таассуфки, бугунги кунда фақат ҳарбий кучга таяниб сиёсат олиб бораётганлар бу ҳақиқатни тушунмаяпти.

Мана, яқинда Афғонистонда Президент сайлови бўлиб ўтди. Бу давлатнинг янги раҳбарлари иш бошлади. Лекин мамлакатдаги вазият эртага қайси томонга ўзгаради, деган савол, афсуски, ҳамон очиқлигича, мавҳумлигича қолмоқда.

Ўз-ўзидан аёнки, «АЙСАФ» деб ном олган халқаро тинчликпарвар кучларнинг бу жафокаш заминда давом этаётган тўқнашувларни бартараф этишни охирига етказмасдан туриб ва қарама-қарши кучларни муросага келтирмасдан туриб, Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши бу минтақада тинчлик ва осойишталик ўрнатишга олиб келиши гумон, деб ўйлайман.

Мана шундай мураккаб бир вазиятда Ўзбекистоннинг бу масала бўйича позициясини яна бир бор эслатиб ўтишни зарур, деб ҳисоблайман.

Бу борадаги бизнинг ёндашувимиз, сиёсатимиз аниқ ва равшан: биз ён қўшнимиз бўлган Афғонистон давлатининг ички ишларига аралашмаслик, афғон халқи ишонч билдириб сайлаган ҳукумат билан ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, тинч-тотув бўлиб яшашни ўзимизга маъқул деб биламиз.

Тинчлик ҳақида, осойишталик ҳақида гапирганда, юртимиздаги ҳар қайси одам аввало ўз ишончини жанубий чегараларимизда Ватаннинг содиқ посбони бўлиб турган Термиз аҳлига, Сурхон воҳасининг мардларига қаратади.

Чунки тарихнинг ўзи Термиз шаҳрига, унинг жасур халқи зиммасига юртимиз тинчлиги ва озодлиги йўлида метиндек мустаҳкам қўрғон бўлиш каби оғир ва масъулиятли вазифани юклаган. Ва сизларнинг барчангиз бу муқаддас вазифани бугунги таҳликали даврда ҳам шараф билан адо этиб келмоқдасиз, десам, ўйлайманки, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан.

Бундай юксак ишонч сўзларини давом эттириб, шу тупроқда, шу заминда хоклари ётган улуғ аждодларимизнинг хотираси олдида, мана шундай буюк ўтмишнинг ворислари бўлмиш халқимиз олдида бош эгиб таъзим қилишни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Қадрли юртдошлар!

Энди рухсатингиз билан менга юклатилган шарафли ва қувончли бир вазифани адо этишга ўтсам.

Мустақиллик йилларида шаҳар аҳлининг ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда эришган муваффақиятлари, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси, халқимизнинг тарихий ва маънавий меросини асраб-авайлаш, ёшларимизни улуғ аждодларимизга хос эзгу қадриятлар, мардлик ва жасорат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги улкан хизматлари учун берилган Амир Темур орденини катта мамнуният билан Термиз шаҳрига топширишга ижозат бергайсиз.

Муҳтарам дўстлар!

Термиз шаҳрининг мана шундай юксак давлат мукофотига сазовор бўлишида сиз азизларнинг, шу гўзал юртга фарзандлик меҳри ва садоқатини бериб яшаётган, ўз тақдири ва келажагини ўз қўли, фидокорона меҳнати билан яратаётган эзгу ниятли, олижаноб барча инсонларнинг ҳиссаси ва хизмати беқиёсдир, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

**Бугун нафақат Термиз аҳли учун, айтиш мумкинки, бутун Ўзбекистонимиз учун катта байрам.** Қадимий ва навқирон Термиз шаҳри ҳаётидаги бу қутлуғ кун, ҳеч шубҳасиз, унутилмас бир воқеа бўлиб тарихда қолади ва барчамизни янги-янги уфқларга даъват этади.

Мамлакатимизнинг барча навқирон ёшлари қаторида сурхондарёлик ўғил-қизларимга — менинг болаларимга айтадиган даъватим шуки, сизлар бугун Амир Темур орденига сазовор бўлган шаҳарлар сафига қўшилган **Термиздек ўтмиши буюк, келажаги шарафли шаҳарда, қандай ноёб, Худонинг назари тушган муқаддас заминда яшаётганингизни асло унутманг, ота-боболаримизнинг шаъну шавкатига доимо муносиб бўлинг.**

Сизларни яна бир бор бағримга босиб, азиз фарзандларимиз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмайди, биз бошлаган буюк ишларни давом эттиради, барча соҳаларда энг юксак марраларни албатта забт этади, деб катта ишонч ва ғурур билан айтмоқчиман.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Мана шу унутилмас лаҳзаларда сизларни, бутун Сурхон аҳлини давлатимизнинг юксак мукофоти билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-осойишталик ва қут-барака тилайман.

Юртимизнинг фахру ифтихори бўлмиш Термиз шаҳри дунё тургунча турсин!

Термиздек буюк шаҳарларни бунёд этган халқимиз доимо омон бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

# Термиз шаҳрига ватанимизнинг юксак мукофоти топширилди

< [1]

Янги бунёд этилган темир йўл бекати, Тадбиркорлар маркази биноси, Археология музейи, амфитеатр Термиз шаҳрининг чиройига чирой қўшди. Замонавий «Бахт уйи» мажмуаси, Термиз давлат университетининг муҳташам биноси, 10 минг томошабинга мўлжалланган стадион, «Дельфин» сузиш ҳавзаси, тиббиёт ва маданият масканлари, турар-жойлар вилоят маркази қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.

Бугунги кунда ҳам Термиз шаҳрида замонавий корхоналар, коммуникация тармоқлари, инфратузилма объектлари, янги мактаблар, лицей ва коллежлар, спорт мажмуалари бунёд этилиб, шаҳар янада гўзал ва обод бўлиб бормоқда. Кейинги йилларда фойдаланишга топширилган йирик саноат корхоналари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш иншоотлари вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига катта ҳисса қўшмоқда.

Бу йил Сурхондарё аҳли учун яна бир унутилмас йил бўлди. Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонига мувофиқ мустақиллик йилларида шаҳар аҳлининг ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда эришган муваффақиятлари, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси, халқимизнинг тарихий ва маънавий меросини асраб-авайлаш, ёшларимизни улуғ аждодларимизга хос эзгу қадриятлар, мардлик ва жасорат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги катта хизматлари учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан Термиз шаҳри Амир Темур ордени билан мукофотланди.

Термиз шаҳри Ватанимизнинг бу юксак мукофоти билан тақдирланишида чуқур рамзий маъно бор. Термиз барча замонларда ёв қаршисида метин қўрғон вазифасини ўтаб келган. Бу заминда мард ва танти, Ватани учун жонини ҳам фидо этишга тайёр ориятли халқ яшайди.

Президентимиз Ислом Каримов ушбу юксак мукофот — Амир Темур орденини топширди.

Маросимда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раисининг ўринбосари Орзиқул Соатов, Термиз шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган мактаб-интернат директори Шоҳида Орипова, кураш бўйича жаҳон чемпиони Тоштемир Муҳаммадиев, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид сўзга чиқиб, Термиз шаҳрини Ватанимизнинг юксак ордени билан мукофотлагани, Сурхондарё вилояти ривожига қаратаётган эътибори учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

**А.САМАДОВ, Х.МАМАТРАЙИМОВ, ЎзА махсус мухбирлари**

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ

# Маънавият масканининг қутлуғ тўйи



< [1]

Президентимиз қарори ижроси бўйича капитал таъмирланган Ўзбек Миллий академик драма театри биноси санъат ихлосмандлари, театр фидойилари, кенг жамоатчилик учун ўзига хос туҳфа бўлди.

Театр биносининг ташқи қисми, томоша залидаги ўриндиқлар, саҳна остидаги ҳаракатлантирувчи механизмлар тўлиқ янгиланди. Саҳнада махсус эффектли ёритгичлар, овоз кучайтириш ускуналари, томошабинларга янада қулайлик яратиш мақсадида залда иккита йирик монитор ўрнатилди. Кичик зал драматурглар, режиссёрлар билан ижодий учрашувлар, талаба-ёшлар учун маҳорат сабоқлари, уларнинг илк ижодий ишлари намойишини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Театр музейи янги экспонатлар, саҳна санъати ривожига юксак ҳисса қўшган актёрлар, режиссёрлар, театр рассомлари, пардоз, грим ва декорация усталарининг портретлари, шахсий буюмлари, китоблар, қимматли фотосуратлар билан бойитилган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 27 ноябрдаги «Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллиги муносабати билан театр ижодкорларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонига кўра ижодий жамоанинг бир гуруҳ ходимлари Ватанимизнинг фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди.

Тадбирда Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

Маросимда театр директори М.Исмоилов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон халқ артисти М.Холиқова, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист А.Набиев, «Дўстлик» ордени соҳиби, театр рассоми С.Цой ва бошқалар миллий маънавиятимиз, маданиятимиз ва санъатимиз ривожи йўлидаги улкан эътибори учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди. Давлатимиз раҳбарининг театр юбилейи муносабати билан йўллаган табриги театр жамоасининг қалбини фахр-ифтихорга тўлдиргани таъкидланди.

— Юртимиздаги тинч-осойишта ҳаёт, маънавий-маърифий соҳалардаги буюк ўзгаришлар театр санъати ривожида ҳам асосий омил бўлмоқда, — дейди Ўзбекистон халқ артисти, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби Тўти Юсупова. — Камтарона меҳнатим юксак қадр ва эъзоз топганидан ғоят мамнунман. Биз — санъаткорларга қаратаётган иззат-эҳтироми, ёшлар маънавиятини юксалтириш, театр ижодкорларини янги парвозлар сари руҳлантириш борасида кўрсатаётган улкан ғамхўрлиги учун Президентимиздан беҳад миннатдормиз.

Бадиий кечада Миллий театрнинг 100 йиллигига бағишлаб киноижодкорлар томонидан яратилган ҳужжатли фильм, вилоятлар ва пойтахтимиздаги театр жамоалари, санъат усталари иштирокида тайёрланган театрлаштирилган мусиқий дастур намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида «Ўзбекистон театр санъати: тарих, тараққиёт ва истиқбол» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон Фанлар академияси, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, театршунос олимлар, профессор-ўқитувчилар, драматурглар, режиссёрлар, талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири вазифасини бажарувчи Б.Аҳмедов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг вице-президенти Б.Абдуҳалимов, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори Б.Сайфуллаев, Ўзбекистон халқ артисти Т.Азизов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий театр санъатимизни ривожлантириш борасидаги эзгу ишлар кўлами кенгайиб бораётганини таъкидлади.

Ўтган йиллар мобайнида Миллий театримизда саҳналаштирилган кўплаб асарлар халқимиз қалбидан жой олди.

Конференцияда драматургия ва театр репертуари, Миллий театр режиссураси истиқболлари каби мавзулардаги маърузалар тингланди.

Анжуман доирасида «Ўзбек Миллий академик драма театри» китоб-альбомининг тақдимоти бўлиб ўтди. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйида чоп этилган ушбу китоб-альбом ўқувчиларнинг театр тарихига оид билимини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

ГУЗАР

# «Оқибат»да янги бино қад ростлайди

**Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Оқибат» маҳалласи аҳли йиғиннинг эски гузарини ҳашар йўли билан қайта қуришдек хайрли ишга қўл урди.**



**Моҳичеҳра ЛАТИПОВА «Mahalla»**

Шу пайтгача маҳалла фаоллари ҳудуддаги Маданият уйи томонидан ажратилган хонада фаолият юритаётган эди. Бу муаммога ижобий ечим топиш мақсадида маҳалланинг Тафтиш комиссияси раиси Дилшод Исроилов, шунингдек, Саидкарим Абдувалиев, Саъдулла Махсумов сингари фаоллар янги бино қуриш ташаббуси билан чиқишди. Ёши улуғ кишилар, комиссиялар аъзолари йиғилиб, аҳоли кўмаги ва ҳомийлигида қуриладиган бино лойиҳасини тузиб, вазифаларни тақсимлаб олишди.

— Маҳалла гузари 1953 йили ҳашар йўли билан бунёд этилганди, — дейди маҳалла раиси Тоҳир Собиров. — Эзгу ишларга камарбаста Эргаш ота бугун ҳам янги бино қурилишига бошқош. 244 $m^2$ майдонда бунёд этилаётган бино 5 та хонадан иборат. Ундан раис, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, масъул котиб, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбари учун алоҳида хоналар, мажлислар зали ўрин олган. Эндиликда профилактика нозири ҳам шу ерда фаолият юритади.

Айни пайтда бинонинг томини ёпиш ишлари якунига етмоқда. Унинг қад кўтаришида маҳалла тадбиркорлари, ҳомийлар ва маҳалладошлар жонбозлик кўрсатишди. Шунингдек, Юнусобод тумани ҳокимлиги, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими ва ҳомийлар кўмагида 12 миллион сўм ажратилди. Ушбу маблағ ҳисобига эшик-ромлар харид қилиниб, пардозлаш ишлари амалга оширилади.

САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

# Ваколат ҳам имконият, ҳам масъулият демак



**Наманган вилоятида жорий йилнинг 21 декабрь куни ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларга тайёргарлик қизғин давом этмоқда. Жойларда ушбу сиёсий жараён олдидан турли тадбирлар уюштирилаётир. Уларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий масалаларига ҳам эътибор қаратилмоқда.**

**Илҳом РАҲМАТОВ**
**«Mahalla»**

— Сайловларнинг юксак савияда, уюшқоқлик билан ўтишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари муҳим ўрин тутади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Насриддин Садриддинов. — Кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидан бораётган мамлакатимиз қонунчилигида бу борада ҳам фуқаролар йиғинларига катта ваколатлар берилган. Жумладан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда фуқаролар йиғинининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича участка сайлов комиссияларининг аъзолигига номзодларни тегишли округ сайлов комиссияларига тақдим этиши тўғрисида қарор қабул қилишга доир ваколатлари мустаҳкамланган.

Шундан келиб чиқиб, вилоятда сайлов участкаларини шакллантиришда фуқаролар йиғинлари фаоллари яқиндан кўмаклашиб, ҳудудда обрў-эътиборга эга, эл ҳурматини қозонган, маҳаллада муқим яшаётган ва сайлов қонунчилигидан хабардор фуқароларни участка сайлов комиссияси аъзолигига тавсия этдилар. Сайлов участкаларини жиҳозлаш, сайловчилар учун етарли қулайликлар яратиш борасида ҳам уларнинг кўмаги катта.

Эндиликда юртдошларимизни сайлов қонунчилигидан хабардор этиш мақсадида тизимли равишда тарғибот-тушунтириш тадбирлари ўтказилмоқда. Бунда ҳар бир маҳаллада ташкил этилган тарғибот гуруҳларидан самарали фойдаланиб, асосан, уй бекалари ҳамда илк бор сайловда қатнашадиган ёшларни кенгроқ қамраб олишга ҳаракат қилинмоқда.

Ташкил этилаётган давра суҳбати ва учрашувларда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларда белгиланган ваколат ва масъулиятлардан келиб чиқиб, фуқаролар йиғинларининг сайловолди ва сайлов кампанияси жараёнларидаги вазифалари хусусида сўз юритилаётгани соҳа ходимлари ҳамда маҳалла фаоллари учун фойдали бўлаётир.

Таъкидлаш жоизки, вилоят бўйича сайлов участкаларининг 38 таси бевосита фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари биносида жойлашган. Бу эса мазкур ҳудудлардаги йиғин фаолларидан сайловчилар учун қулай шарт-шароит яратишда янада масъулиятли бўлишни талаб этади.

— Маҳалламизда 6400 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди Наманган шаҳридаги «Шаршара» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собитхон Мансуров. — Уларнинг 2873 нафари сайлов ёшида бўлиб, овоз бериш жараёнида қатнашиш ҳуқуқига эга. Айни вақтда 71-сайлов участкасига йиғин биносидан алоҳида хоналар ажратилди. Уларни жиҳозлаш ҳамда участка сайлов комиссиясининг самарали фаолият юритиши учун амалий ёрдамимизни аямаяпмиз. Хусусан, бино атрофини ободонлаштириш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш каби вазифалар тўлиқ бажарилди. Шунингдек, депутатликка номзодларнинг сайловолди тарғиботи учун шароит яратиш, уларда сайловчилар вакилларининг иштирокини таъминлаш, сайловчилар рўйхатини шакллантиришда маҳалла зиёлилари, фаолларнинг ҳиссаси катта бўлаётир.

ИСЛОҲОТЛАР — ИНСОН МАНФААТЛАРИ УЧУН

# Турмуш фаровонлиги ижтимоий фаоллик ва дахлдорлик маҳсулидир

**Бош Қомусимизнинг 30-моддасида Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлиги белгилаб қўйилган.**



**Толибжон НИЗОМОВ**
**«Mahalla»**

Ушбу конституциявий меъёр ҳамда жорий йилнинг 5 май куни қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»даги қонун ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлигида пойтахтимиз туманлари раҳбарлари иштирокида матбуот анжуманлари ташкил этилди.

— Тадбирлардан кўзланган мақсад аҳолини ҳокимликлар томонидан ҳудудлар инфратузилмасини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиш, бандликни таъминлаш, ободонлаштириш ишларини тизимли йўлга қўйиш, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш борасида амалга оширилаётган ишлардан хабардор қилишдан иборат, — дейди Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Шуҳрат Турдиқулов. — Шунингдек, анжуман фуқаролик жамиятини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилади. Қолаверса, бевосита аҳоли билан уюштирилаётган бундай учрашувлар ҳар бир раҳбарни ўз ишига янада масъулият билан ёндашишга, юрт равнақи, халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишга ундайди.

Мирзо Улуғбек тумани раҳбарлари иштирокида ташкил этилган тадбирда ҳудуднинг ишлаб чиқариш салоҳияти, инвестиция имкониятлари, қиш мавсумига тайёргарлик, янги иш ўринлари яратиш, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш ҳақида сўз борди.

— Ҳудудимизда 5 мингга яқин кичик тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда, — дейди туман ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Баҳодир Боқиев. — Уларнинг 368 таси хорижий сармоядорлар иштирокидаги корхонадир. Ушбу корхоналар туман иқтисодиётининг ўсишида, аҳоли бандлигини таъминлаш ва экспорт салоҳиятининг юксалишида муҳим омил бўлмоқда. Туман иқтисодиётининг асосий локомотиви бўлган 14 та йирик корхона томонидан жорий йилнинг тўққиз ойи давомида 1 миллиард 520 миллион сўмлик саноат ва 316 миллиард сўмлик истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Шунингдек, 2013 йилнинг шу даврида 78 та корхона томонидан 61 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот хорижга экспорт қилинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 70,1 миллион АҚШ долларига етди.

Туманда аҳоли бандлигини таъминлаш, хусусан, ёшларни ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соғлом бола йилининг 9 ойи мобайнида ҳудудда 7258 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Сергели саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва машинасозлик соҳасида пойтахтимизнинг етакчи туманларидан ҳисобланади. Айни пайтда туманда 7 та саноат, 41 та йирик, 122 та қўшма ва 2248 та кичик корхона фаолият юритади. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган мебель, иккиламчи қора ва рангли металл, асфальт, резина, пластмасса буюмлар, чарм ва бошқа маҳсулотлар рақобатбардошлиги билан бирга харидоргир.

2013-2014 ўқув йилида тумандаги касб-ҳунар коллежларини 2068 нафар ўқувчи битирган бўлса, уларнинг 1400 нафари иш билан таъминланди. Ҳозир 504 нафар битирувчини ишга жойлаштириш бўйича маҳаллалар кўмагида ҳудуддаги корхоналар билан музокаралар олиб борилмоқда.

Яшнобод туманида тураржой массивлари ва ижтимоий объектларни қиш мавсумига тайёрлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

— Туманимизда 55 та маҳалла бор, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Яшнобод тумани бўлинмаси раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Илҳом Эшмуродов. — Кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи ширкатлар томонидан қиш мавсумига тайёргарлик ишлари режага мувофиқ амалга оширилди. Уйларнинг 120 минг $м^2$дан зиёд том қисми, 2081 та йўлак, 139 та болалар майдончаси ва 468 та лифт жорий таъмирланди, 147 та ертўла тартибга келтирилди.

2014-2016 йилларда Чилонзор туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига кўра, 390 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Жорий йилда умумий қиймати 190,9 миллиард сўмлик 345 та лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш орқали 2571 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Январь-сентябрь ойларида ушбу тадбиркорлик субъектлари томонидан 23,5 млрд. сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот ўрнига амалда 24,9 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида, шунингдек, Бектемир, Олмазор, Шайхонтоҳур, Яккасарой, Учтепа ва Юнусобод туманлари раҳбарлари иштирокида ўтказилган матбуот анжуманларида фуқаролар мурожаатларига ўз вақтида жавоб қайтариш, ижтимоий-иқтисодий соҳа объектларини қиш мавсумига тайёрлаш каби қатор долзарб масалалар атрофлича муҳокама этилди.

ДАВРА СУҲБАТИ

# Конституция — тинч ва осойишта ҳаётимиз кафолати

**Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «Истиқлол» маҳалласида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллиги муносабати билан «Конституция — тинч ва осойишта ҳаётимиз кафолати» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**




**Фарҳод ЭСОНОВ**
**«Mahalla»**

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Фонднинг туман бўлинмаси ходимлари, маҳалла фаоллари, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда ҳар бир инсон бахтли яшашга, тинч ва осойишта ҳаёт кечиришга, ўқиб илм олишга, меҳнат қилишга тўла ҳақли экани Конституциямизда мустаҳкам белгилаб қўйилгани алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, Бош қонунимиздан мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши, уларнинг ривожланиши учун зарур шароитлар яратилиши мустаҳкам ўрин эгаллагани эътироф этилди. Бундай кафолат 40 дан зиёд миллат ва элат вакиллари умргузаронлик қилаётган «Истиқлол» маҳалласи фуқароларида ягона Ватан туйғусини, умумий уйда тинч-тотув, аҳил-иноқ яшаш, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш, меҳнат қилиш, илм олиш, ўзликни намоён этиш кайфиятини кучайтирмоқда. Айни чоғда Ватан тинчлиги ва равнақи учун масъуллик ҳиссини кучайтиряпти.

— Маҳалламизда ҳар бир миллат вакиллари ўз она тили, маданияти, санъати, халқ ҳунармандчилиги, миллий қадриятларини ривожлантириш имкониятига эга, — дейди фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Бойсариев. — Бу, албатта, жамиятимизда бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойилларининг устуворлигидан далолат беради. Тадбирдан кўзланган асосий мақсад ана шундай кенг имконият берган Конституциямизни янада чуқурроқ ўрганишдан, тушунишдан иборатдир.

— Жонажон Ватанимиз — Ўзбекистонда туғилиб ўсганим билан фахрланаман, — дейди маҳалла фаоли Лидя Казакиева. — Ўзбекларда миллий-маънавий қадрият сифатида қадрланадиган бағрикенглик уларнинг маданияти ва руҳиятининг ажралмас қисмига айланиб кетганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Ўзбек миллатига хос бўлган мана шундай инсонпарварлик туйғусининг айнан Конституцияда ўз аксини топгани эътиборга молик.

Иштирокчилар Конституциямиз нормалари хусусида сўз юритиб, Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларнинг шаффофлиги, барқарорлиги юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикнинг, барча соҳаларда қўлга киритилаётган оламшумул ютуқларнинг муҳим омили эканини қайд этдилар.

ҚУЛАЙЛИК

# Дўконлардан иссиқ нон узилмайди

**Хоразм вилояти Хонқа туманидаги «Ойдин ҳаёт» маҳалласида янги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ишга тушди.**

**Ф. ЭСОНОВ**
**«Mahalla»**

«Хонқа дон маҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамияти қошида ташкил этилган ва бир кеча-кундузда 3-3,5 тонна унни қайта ишлаш қувватига эга замонавий корхона банкнинг имтиёзли кредити эвазига Германия технологияси асосида жиҳозланди.

— Мазкур корхонанинг ишга туширилиши Конституциямизнинг 22 йиллиги арафасида аҳолига туҳфа бўлди, — дейди фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Худойберганов. — Касб-ҳунар коллежини тугатган ўн уч нафар йигит-қиз бандлиги таъминланиб, улар томонидан корхона маҳсулотлари маҳалламизда очилган «Иссиқ нон» дўконига пешма-пеш етказиб берилиб, арзон нархларда сотиляпти.



Корхона раҳбари Ўткирбек Раззоқовнинг айтишича, йил охирига қадар бу ерда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР

# Дил ва тилдан шукроналик тушмагай

**Ҳабиба ая ҳақида сўз очилса, ўрта чирчиқликлар уни «пиру бадавлат», «суяги меҳнатда қотган», дея таърифлашади. «Ҳаммамиз ҳам унинг ёшига етиб юрайлик» дея қўшиб қўйишади аянинг маҳалладошлари.**

**Ашурали БОЙМУРОД**
**«Mahalla»**

Ая бутун ҳаётини халқ манфаати йўлида бахшида этган, уруш орти меҳнат фронтида фидокорона ишлаб, зиммасидаги вазифага сидқидилдан ёндашган.

Ўрта Чирчиқ туманидаги Пахтакор қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Бешбой» маҳалласи аҳли ардоғида қарилик гаштини сураётган онахон ҳамон маҳалла ҳаётида фаол иштирок этиб келмоқда. Шуниси эътиборлики, миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз мазмун-моҳиятини ёшларга сингдириш, оила мустаҳкамлигини таъминлашда қимматли маслаҳатларини аямайди. 102 ёшни қаршилаган онахондан ҳамқишлоқлари фарзандлар тарбияси, қуда-андачилик, маърака-маросимлар ўтказиш борасида маслаҳатлар олиб туришади.

Онахоннинг 1 нафар фарзандидан 8 набираси, 16 нафар чевараси бор. Уларнинг барчаси ҳаётда ўз ўринларини топишган. Мамлакатимиз Мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида Президентимиз фармонига кўра Ҳабиба Юсупованинг «Шуҳрат» медали билан тақдирлангани маҳалладошлари қалбига қувонч бағишлади.



— Ҳабиба аянинг мукофотланганини маҳалламизга берилган юксак эътибор, деб биламиз, — дейди «Бешбой» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Маҳбуба Икромова. — Ҳақиқатан, ая маҳалламиз фахрига айланган. Бу мукофот унга маънан куч-қувват бағишлади. Бугун у киши ҳар қачонгидан ҳам тетик. Дилида шукрона, қўллари дуода.

— Оғир замонларнинг ўтиб кетгани чин бўлсин, — дейди ая. — Мустақиллигимиз абадий бўлсин. Кексаю ёшни бирдек иззат-ҳурмат қилган, юртимизга фаровонлик бахшида этган доно Юртбошимиз омон бўлсин!

Агар йўлингиз тушиб, Ўрта Чирчиқ туманидаги «Бешбой» маҳалласига бориб қолсангиз, албатта, Ҳабиба аянинг ҳовлисига кириб ўтинг. Унинг икки оғиз суҳбатидан баҳраманд бўлинг. Зеро, аянинг яхши ҳикматлари, холис дуолари эзгуликка йўғрилган.

НУРОНИЙЛАР — ТАРҒИБОТДА ЕТАКЧИ КУЧ

# Ибрат эзгу амалларга қанот беради

**Кўпмиллатли аҳолини ўзида жамлаган пойтахтимизнинг Миробод тумани «Сарикўл» маҳалласида беш юз нафардан зиёд нуроний дориламон кунлар шукронаси билан яшаб келмоқда. Уларнинг ғамхўрлик ва эътибордан миннатдорлигини нурли чеҳраларидан, самимий суҳбатларидан сезиш қийин эмас.**

**Садоқат МАХСУМОВА**
**«Mahalla»**

— Одатда, бундай гурунглар шаҳримиз бўйлаб уюштириладиган саёҳатларда давом этади, — дейди тўқсон ёшни қаршилаган Жамила Бурунқулова. — Ҳар ой театр томошаларига борганимда ўзимни янада тетик ҳис қиламан.

Бу каби хайрли тадбирларни амалга оширишда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан «Нуроний» жамғармасининг ҳамкорлиги, айниқса, эътиборга молик.

— Президентимизнинг жорий йил 13 октябрдаги «1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони нуронийларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашда қўл келмоқда, — дейди Миробод тумани «Нуроний» жамғармаси раиси Ботир Усмонов. — Шу туфайли фронт ортида хизмат қилган меҳнат фахрийларини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтирдик. Ҳар бир маҳаллага вакиллар бириктириб, фахрийларни соғломлаштириш санаторийларига юбориш режасини тузиб чиқдик. Сарикўллик фахрийлардан олти нафари «Темирйўлчилар» сиҳатгоҳида даволанди.



Маҳалладаги «Нуронийлар» жамоатчилик кенгаши билан биргаликда бажарилаётган ишлар бу саховатнинг амалдаги тасдиғидир. Маҳалла фаоллари юрт тараққиётига дахлдор ишларни амалга оширишда кенгаш аъзоларининг тажриба ва имкониятларидан унумли фойдаланиб, кутилган натижаларга эришмоқда.

— Отахону онахонларимиз аҳоли, айниқса, ёшларни эзгу ишларга ундайдиган, уларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатадиган инсонлар, — дейди йиғин раисаси Хурсанд Абазова. — «Ота-оналар университети», «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги бўйича самарадорликка эришиш, айрим ёш оилаларни муросага келтиришда кайвониларнинг ўгитлари асқатмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида маҳалламизда ўтказилган ўндан зиёд маърифий кеча, учрашувда нуронийлар фаол иштирок этишди. Айниқса, бирор оилада қуда-анда, қайнона-келин муносабатларида, ёшлар тарбиясида муаммо чиқса, албатта, маҳалла фаоллари билан бирга нуронийларимиз ҳам жонкуярлик билан масалани ижобий ҳал этишга бош қўшишади.

Нуронийларнинг турмуш барқарорлиги йўлидаги ғамхўрликлари ёшлар билан мулоқотларида, таълим муассасаларида ташкил этилаётган суҳбат ва учрашувларда ўз ифодасини топмоқда. Кексалар эътиборни кўпроқ кам таъминланган оилалар, ўзгалар ёрдамига муҳтож фахрийларнинг моддий шароитини янада яхшилашга, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини оширишга, ёш авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга қаратаётир.

— Маҳалламиздаги энг ибратли хонадонларни, ўзаро аҳил яшаб, эл ҳурматига сазовор, меҳнатсевар, юртпарвар инсонларни тарбиялаб вояга етказган оилаларни ибрат қилиб кўрсатмоқдамиз, — дейди «Нуроний» жамоатчилик кенгаши раиси Умар Аҳмедов. — Биз сарикўллик нуронийлар, миллий қадриятларимизни мустаҳкамлаш, халқимиз турмуш даражасини юксалтириш йўлида имкон қадар ҳаракат қиляпмиз. Зотан, ҳамжиҳатлик қут-барака гаровидир.

Фахрийларнинг ҳаётий тажрибалари эзгу амалларнинг кенг қулоч ёйишига туртки беради. Шу боис фуқаролар йиғинлари ҳузурида ташкил этилган аксарият комиссиялар таркибидан ёши улуғ, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган нуронийлар жой олишган.

МАҲАЛЛАМ ТАРИХИНИ ЎРГАНАМАН

# Ватан туйғуси улуғ мақсадларга чорлайди



< [1]

«Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам!» шиори остида ташкиллаштирилаётган ушбу танлов фуқаролар йиғинлари мутасаддиларининг ёшларда тарихий хотира, юксак маънавият, халқнинг қадим анъаналари ва маданий меросига ҳурмат туйғуларини шакллантиришдаги фаоллигини кучайтириш, аҳолига мамлакатимиз мустақилликка эришганининг буюк тарихий аҳамиятини англатишдек устувор мақсадларга хизмат қилаётир.

Ушбу кўрик-танлов Тошкент вилояти туманлари миқёсида юқори савияда ташкил этилиб, барча маҳаллалар танлов доирасига қамраб олинди. Қибрай тумани «Дўрмон» маҳалласида ўтказилган вилоят босқичида эса, ҳудудлараро сараланган, энг намунали деб топилган 7 та маҳалла жамоаси ўзаро куч синашди.

— Танловга тайёргарлик жараёнида маҳалламиз тарихига оид кўплаб маълумотларга эга бўлдик, — дейди Бўстонлиқ тумани «Қўшқўрғон» маҳалласининг «Ёш тарихчилар» жамоаси сардори Дониёр Ўктамов. — Жумладан, маҳалламизнинг «Қўшқўрғон» деб номланиши бўйича изланишлар олиб бордик, тарихий манбаларни ўқиб-ўргандик. Бизга бутун маҳалла аҳли кўмаклашди. Тарихчи-зиёлилар, ўқитувчилар, ёши улуғ инсонлар, қисқаси, ҳеч бир маҳалладошимиз танловга тайёргарлик жараёнида четда тургани йўқ. Шунга амин бўлдикки, «Қўшқўрғон»имизнинг тарихи узоқ асрларга бориб боғланса-да, маҳалламиз мустақиллик туфайлигина янги қиёфа касб этди, ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бугун сўлим гўшамизга келган киши амалга оширилган бунёдкорликларни кўриб яйрайди, бетакрор табиатига мафтун бўлади. Биз ҳам келажакда, қадрдон маҳалламиз, жонажон Ватанимизга муносиб фарзандлар бўлиб етишамиз, унинг янада ривожланиши учун ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Танловда қатнашган ҳар бир иштирокчининг қалби ана шундай эзгу мақсадларга тўлди. Оила, маҳалла, Ватан мадҳига бағишланган шеъру қўшиқлар ижро этилди, маҳалланинг фуқаролар ҳаётидаги таъсир кучи, турли муаммоларни адолатли ҳал этишдаги хизмати, фарзанд тарбияси, жамиятимизга хавф солувчи иллатларга қарши курашдаги ўзига хос ўрни саҳна кўринишларида намойиш этилди.

Кўрик-танлов низомига мувофиқ жамоалар 100 балли тизимда, 3 та шарт бўйича беллашишди. Танловнинг биринчи шартида иштирокчилар тақдим этган ҳужжатлар ҳакамлар ҳайъати томонидан 60 баллгача баҳоланди.

«Маҳаллам тарихини ўрганаман» мавзусидаги иншолар танловида бирбиридан маъноли, теран фикр ва бадиий талқиндаги ижодий ишлар жамоалар вакилларининг она юртга муҳаббатини, анъана ва урф-одатларимиз, миллий қадриятларимизга содиқлигини яққол намоён этди. Жумладан, Паркент тумани «Бойқозон» маҳалласининг «Олмос» жамоаси вакили, тумандаги 31-умумтаълим мактабининг 9-«А» синф ўқувчиси Умрия Йўлдошева ҳамда Зангиота тумани «Иқбол» маҳалласининг «Оқтепа иқболи» жамоаси аъзоси, тумандаги 78-умумтаълим мактабининг 9-«А» синф ўқувчиси Абдулҳамид Рихсиллаевнинг иншоси энг юқори — 20 балл билан баҳоланди.

Жуда қизиқарли ва муросасиз кечган кўрик-танлов натижаларига кўра Зангиота туманининг «Оқтепа иқболи» жамоаси 1-ўрин, Қибрай туманининг «Маҳалла юлдузлари» жамоаси 2-ўрин ҳамда Паркент туманининг «Олмос» жамоаси 3-ўринга сазовор бўлишди. Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Бундай тадбирларнинг изчил ўтказилиши ёш авлодга ўз маҳалласини чуқур ўрганиш имконини бераётир, йиғинлар фаолларининг илғор тажрибаларини оммалаштиришга замин яратаётир. Қолаверса, ёш йигит-қизларнинг мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда маҳалланинг ўрнини ўрганиши, уларнинг ўз маҳаллалари равнақи йўлида ташаббускорлигини оширишда қўл келмоқда. Айни пайтда фуқаролар йиғинларининг Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялари ишини такомиллаштиришга ҳам кўмаклашаётир.

## Кучли қор бўронлари

**АҚШ шимоли-шарқида кучли қор бўрони кузатилмоқда.**



«ТАСС» ахборот агентлиги хабарига кўра, Вашингтондан Бостонгача бўлган шарқий соҳил совуқ ҳарорат қуршовида қолган. Натижада кўплаб трассаларда йўл-транспорт ҳодисалари ва электр узаткичларда узилишлар содир бўлган.

Нью-Жерси штатида фавқулодда ҳолат эълон қилинган. Мактаблар ёпилиб, давлат муассасалари иш вақти қисқарган. Ҳукумат аҳолини ҳушёрликка ва шахсий автомобиллардан фойдаланишдан вақтинча тийилишга чақирмоқда.

Ноқулай об-ҳаво туфайли 600 тадан зиёд парвоз қолдирилган. Кўплаб йирик аэропортлар, жумладан, Нью-Йорк ҳаво қўналғасида ҳам муаммолар келиб чиққан. Ўн минглаб тураржойлар электр манбаидан маҳрум бўлган.

Совуқ иқлим бир неча кун давомида ҳукмронлик қилиши айтилмоқда.

*Газетанинг навбатдаги сони 2014 йил 6 декабрь, шанба куни чиқади.*




## Ўғрилар оиласи қўлга тушди

**Париж полицияси оилавий жуфтлик ҳамда уларнинг 15 ёшли қизини болалар аравачаси ўғрилиги бўйича гумонлаб қамоққа олди.**

«Le Figaro» нашрининг қайд этишича, хонадон аҳли пойтахтнинг бир неча мавзеси ва Диснейленд боғи ҳудудидан бир йил мобайнида 300 дан зиёд болалар аравачасини ўғирлаб кетишган. Оилавий «ишбилармон»лар ўлжаларини интернет тармоғи орқали сотишган.

Сўнгги йилларда кўплаб ота-оналар аравача ўғирланишидан шикоят қилишган. Ҳатто, болалар буюмлари билан савдо қилувчи дўконларда бундай кажаваларни мустаҳкамлаб қўйишга мўлжалланган махсус қулфкалитлар сотувга чиққан.



Автомобиллардан фарқли равишда «болалар транспорти» бўйича маълумотлар базасининг йўқлиги боис полиция учун қидирув ишлари ниҳоятда қийин бўлган. Оилани қандай жазо кутаётгани ҳозирча маълум қилинмаган.

## Хотира нега пасаяди?

**Печенье, кекс ва бошқа қайта ишланган маҳсулотлардаги транс-ёғлар хотирага салбий таъсир қилади.**



«The Daily Mail»нинг хабар беришича, бу Калифорния университети олими Беатрис Голомбнинг 45 ёшдан кичик бўлган 1000 нафар кўнгилли иштирокида ўтказган тадқиқоти натижасида аён бўлган. Транс-ёғни кўп истеъмол қиладиганлар бошқаларга қараганда хотира синовларидан ёмон натижа билан ўтишган. Ҳатто, кишиларнинг ёши, маълумоти, руҳий кайфияти инобатга олинганда ҳам мазкур ёғларнинг хотирага салбий таъсири сақланиб қолган.

Транс-ёғларнинг кўп истеъмол қилиниши вазннинг ортишига, тажовузкорлик ва юрак хасталикларига сабаб бўлиши аллақачон исботланганди. Бундай ёғларнинг асосий вазифаси маҳсулотнинг дўкон пештахтасида узоқ вақт сақланишини таъминлаш бўлса-да, афсуски, улар инсон умрини қисқартиришга ва ҳаётини оғирлаштиришга ҳам хизмат қилади.

**Интернет материаллари асосида Н. АСЛОН тайёрлади.**

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Янгийўл тумани бўлинмаси жамоаси Навбаҳор қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги «Кескан» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдужаббор Узоқовга волидаи муҳтарамаси

**Марҳамат ая**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.


ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

ASAKA BANK

«Асака» банк

жамоаси Сизларни яқинлашиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллиги билан табриклайди ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:




**«КОНСТИТУЦИЯ – 2014»**

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк 90 дан ортиқ миллий ва хорижий валюталардаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар | Код | Телефон | Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 227-15-68 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 770-05-19 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 223-49-93 | Афросиёб филиали | 366 | 221-75-40 |
| Асака филиали | 374 | 233-21-99 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-96-93 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 224-00-16 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 244-39-14 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-18-61 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 542-61-01 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

*Сизнинг омонатларингиз:*
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!




www.asakabank.com

«Асака» банк — сармоянгиз сақланишини ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган



Mahalla

ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: С.Турдали ўғли
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Ю.Ҳожиева
Нашр навбатчиси: Э.Боймирзаев

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. *Босмахона манзили:* Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Баҳоси келишилган нархда.

Нашр кўрсаткичи: 148 | 20090 нусхада чоп этилди. Буюртма S-1489 | Топшириш вақти — 21.00 | Топширилди — 21.00